

ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИС ХУДУДЛАРДА ИЧИМЛИК СУВИДАН ТЕЖАМЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Магистрант-Д.О.Таджиева, ассистентлар Б.М.Норқулов, Э.А.Хайдаров
(СамДАҚИ).*

Республикамизда сув захираларидан тежаб фойдаланишнинг самарали технологиясини қўллашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Сув харажатини, сувни сарфлашнинг аниқ ҳисобини юритиш, бунда экинларга сарфланадиган сувни тежаш, тоза ичимлик сувидан мақсадли, эҳтиёжга яраша фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маълумки, Республикамизнинг сифатли ичимлик суви кам бўлган ғарбий ҳудудларига катта маблағлар эвазига асосан, шароити анча яхши ҳудудларда қурилган вилоятлараро магистрал сув қувурлари орқали таъминланади. Туямуйин-Нукус, Туямуйин-Урганч, Бухоро-Дамхўжа ва Зомин туман туманлараро сув қувурлари, шунингдек Чимён-Чорвоқ дам олиш ҳудудларининг магистрал сув қувурлари киради. Қайд қилинган минтақалараро сув қувурларининг умумий қуввати 800 минг м³/сут ва магистрал сув ўтгазгичларининг узунлиги 1370 км дан узун бўлиб, сув қувурлари ўтган, ҳудудлардаги Қорақолпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхандарё ва Сирадрё вилоятларининг шаҳар, туман марказлари, шаҳар ва қишлоқ посёлкалари аҳолиларини сифатли ичимлик суви билан таъминлайди.

Ҳозирги кунда кўплаб қишлоқлардаги турар-жой биноларининг аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашда, сув танқис ҳудудларда муаммоли вазиятларни бартараф этишда бир қатор ишлар олиб борилган. Биз ҳам бу муаммоли вазиятларни ўрганиб, чиқишимиз жараёнида ичимлик суви танқис ҳудудларда, иложи борича ичимлик сувини тежаш ва ундан самарали фойдаланишда изланишлар олиб бормоқдамиз.

Мисол сифатида, Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 15 га яқин қишлоқларнинг сув таъминоти тизими атрофлича ўрганиб чиққанда улар асосан, артизан-бурғ қудуғидан ва ичимлик мақсадларда ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилмоқда. Сувнинг таркиби билан танишганимизда сувда менерал тузларнинг миқдори ва унинг каттиқлиги озроқ юқорилиги маълум бўлди. Бу каби ҳудудларда артизан бурғ қудуғидан олинаётган сувларни таркибини юмшатиш ва тузсизлантириш учун тозалаш иншоотини қуриш иқтисодий жиҳатдан самарасиз, лекин бу сувларни ичимлик учун эмас балки, бошқа мақсадларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин бўлади.

Ҳозирда бу 15 га яқин қишлоқларни QzDst 950:2000 талабига мувофиқ тоза ичимлик суви билан таъминлашда, қишлоқлардаги аҳолига “Бухоро-Дамхўжа” магистрал қувиридан сув олиниб, етказиб бериш бўйича лойиҳа ишлари олиб борилмоқда.

Кун давомида бир киши учун 3 литрдан 5 литр атрофида ичимлик суви истеъмол қилади жумладан, 1,4 – 2,4 литри (48%) сувни суюқлик кўринишда, 1,6 - 2,7 овқат таркибида истеъмол қилади. Ўзбекистон шароитида аҳоли жон бошига бир кунлик сув сарфи қишлоқ жойларида 40-60 литр кўча сув тарқатгич билан, водапровод ва канализацияси бор, лекин ваннаси йўқ биноларда 125-150 литр, ваннаси бор бўлса 150-230 литр, марказлашган иссиқ сув таъминоти бор биноларда 230-350 литр солиштирма хўжалик - ичимлик сув истеъмоли сарф бўлади. Кўриниб турибдики, ҳозирда сув танқис ҳудудларнинг аҳолисига тоза ичимлик суви билан узликсиз таъминлашда бир киши бир кеча кундузда 125-150 литр атрофида ичимлик суви сарф бўлади.

Ҳар бир хонадонда ўртача 5-6 киши истиқомат қилиши натижасида бир кунда жон бошига фақат ичимлик, ошхона идишларини ювиш учун ўртача 30- 40 литр сув сарф бўлишини инобатга олиб, бугунги кунда 15 га яқин бу қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлашда “Бухоро-Дамхўжа” магистрал сув қувиридан олинади. Кейинчалик эса қолган қишлоқларни ҳам ичимлик суви билан таъминлашни лойиҳалаштириш режалари ҳам йўқ эмас, демак бундан кўриниб турибдики, тоза ичимлик сувига бўлган талабни ошишига олиб келади. “Бухоро-Дамхўжа” магистрал сув қувирининг сув бериш қуввати чегараланган, ичимлик суви танқис бу ҳудудларда ичимлик сувини тежаш мақсадида, турар-жой биноларини икки тармоқли сув таъминоти тизими билан лойиҳалаш таклифини киритдик.

- Биринчи тармоқдан тоза ичимлик сув қувири тартиб борилиб, ошхона ичида жойлашган мойкага уланади бу ерда сувнинг сарфи: (овқат тайёрлашда, ошхона идишларини ювишда ва ичимлик суви истеъмоли учун ишлатилади) канализацияси ва ваннаси йўқ бўлса, 125-150 литрни 20% ини ташкил этади.

- Иккинчи тармоқда артизан бурғ қудуқлари қазилиб истеъмолчига фақат маиший хизматлар учун яъни, ҳаммом, рақвина ва ҳовли ичида жойлашган кранларга бориб уланади.

Ҳозирги кунда ичимлик суви учун мамлакатимизда полиэтилен қувурлари ГОСТ 18599-2001 бўйича 24 га яқин диаметрли қувурлар ишлаб

чиқарилмоқда ва лойиҳаларнинг қариб 98% юқорида айтиб ўтилган полиэтилен қувурларидан фойдалмоқда чунки, полиэтилен қувурлари нархи арзонлиги, деворнинг силлиқлиги, экологик тозаллиги, енгиллиги ва уни улаш жараёни тезликда амалга ошириши билан ажралиб туради. Биз юқорида билдирган лойиҳалар ҳам полиэтилен қувурларидан фойдаланиб, лойиҳа ишлари амалга оширилса иқтисодий самарага эришган бўлар эди.

Хулоса: Шу каби ичимлик суви танқис ҳудудларда кичик ҳажмли қишлоқларнинг аҳолисига икки тармоқли сув таъминоти тизими лойиҳасини қўллаш эвазига тоза ичимлик сувини 80% га тежаш мумкин.